

ЗАМОНАВИЙ УРАЛ АВТОМОБИЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Худойқулов Ш.Б

Подполковник Ҳарбий хавфсизлик ва Мудофаа Университети катта
ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада шуни айтиб ўтиш керакки Совет иттифоқи тарқалгандан сунг юкли автомобиль техникаларига мухтожлик сезиларли даражада муоммога айланган бир вақтда Россия Федерацияси конструкторлари томонидан янги русумли Урал автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунинг учун мақолада Урал автомобилларининг ривожланиш истиқболлари келтирилган.

Калит сўзлари: ишлаб чиқариш, ўзгариш, қулайликлар, этибор, кабина, жиҳозлаш, двигатель, юриш қисми, тўхтатиш тизими, ёқилғи-мойлаш, маҳсулот, истемол.

Annotation: It should be mentioned in the article that after the dissolution of the Soviet Union, the need for heavy-duty vehicles became a significant problem, and the Russian Federation constructors launched the production of new Ural vehicles. Therefore, the article presents the prospects for the development of Ural cars.

Keywords: production, change, amenities, attention, cabin, equipment, engine, chassis, suspension system, fuel-lubrication, product, consumption.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М. Мирзиёевнинг 2026 йил 14 январдаги Ватан ҳимоячиларига байрам табригидан: “Қуролли Кучларимизни ислоҳ этишда бугунги кунда олис ва яқин минтақаларда мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади. Ҳеч шубҳасиз биргаликда сай ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга халқимизнинг тинч меҳнати, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб авайлашга ҳар томонлама қодирмиз” [1].

Ҳозирги кўнда минтақамизда қуролли можаролар ва минтақавий урушларда жанговар ҳаракатларнинг асосий хусусиятларидан бири ва фаол йўлга қўйилгани қуролли қаршилиқ кўрсатишдир. Колонналарнинг ҳаракат йўналишлари бўйлаб ишончли хавфсиз ўтиб кетишларини таъминлаш учун катта ва қийин ташкилий (колонналарни жанговар машиналар, вертолётлар ва артиллерия отишлари билан ёпиш, йўналишнинг тор жойларини қўриқлаш ва ш.ў.) ва техник тадбирлар

мажмуи амалга оширилади, (жанговар машиналарнинг ўт очиш қудратини ва ҳимояланганлигини ошириш, разведка воситаларини айниқса муҳандислик воситаларини такомиллаштириш ва ш.ў). Улардан бири бу автотранспортни алоҳида автомобилни юриш чаққонлигини оширишдир. 1994-1995 йилларда Россия Федерацияси қуролли кучларнинг ҳарбий саноати йўналиши бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилиб ҳозирги кўнда Урал – “евро-1”дан, “евро-2”, “евро-3”, “евро-4” автомобилдан “евро-5” русумигача автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди (1,2-расмлар).




1-расм. УРАЛ “евро-1”.



2- расм. УРАЛ“евро-5”.

Қуролли Кучларимиз салоҳияти янада ошганлигига қўйидагилар билан эътироф этишимиз мумкин: жанговар бўлинмалар автомобилда тезкор ҳаракатланиб юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифаларни тезкор бажарилишини таъминлаш мақсадида замонавий автомобиллар билан таъминланди.

Тузилиши ва схемасини аниқ такомиллашганлигига қарамасдан, уларни амалий қўлланилиши ижобий баҳо олди. Алоҳида олдиндан муаммо бўлиб келаётгани бу ёқилғи мой махсулотлари тежаши ва ҳаракатчанлиги шунингдек энг асосий, борт компьютерли ва навигацион аппаратлари билан жиҳозланган, юк ташиш қобилияти юқори кўтарувчан, юқори тезлик ва манёврага эга. Ҳозирги кўнда ушбу евро УРАЛ автомобилларига ЯМЗ-236, ЯМЗ -652, 740.55-280, 740.62-300 русумли дизел двигателлар ўрнатилмоқда (3-расм). Юриш қисми: АВС тормоз тизимли тўхтатиш крани кабина олд қисми ўрнатилган ва қўлайлиги ҳавони тақсимлаш крани орқали тезлик билан амалга ошириб тўхтатиш ва бошқариш қўлайлигига эга [2,3].



740-1-3
740.55-280
740.62-300
ЯМЗ-236
ЯМЗ-652

ИЗДАНИЕ МОТОРНОГО
ДИВЕРСИОННОГО

3-расм. “Евро-5» двигатели айланиш моменти, Н*м.

Ҳозирги кўнда Россия Федерациясида бир қанча турдаги УРАЛ “евро-5” оиласига мансуб - 6370, 5808, 63704К-0111, 63704К-3951, 63095 ва 63099 рўсумли автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Айни вақтда бизнинг қуролли кучларимизда ҳам мавжуд бўлиб автомобил техникалари ишлатиб келинмоқда, Ҳозирги кўнда барча вазирликларнинг жанговар ва махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмалари ва ҳарбий йиғмалари таъминланган. ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу қилинган чоралар албатта шахсий таркибни ва ҳарбий юкларни ўқ-отар қуроллари ва ўларнинг биринчи манзилдан иккинчи манзилга ташишга қўлай ихчам кичик манёврли. Ҳозирги кўнда Ўзбекистон Республикасида автомобилларнинг бир қанча саноатда ишлаб чиқарилган турлари мавжуд бўлиб, улар кенг истеъмолчиларига эга.

Ҳозирги кўнда ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий юк ва махсус автомобилларини ривожланиш тажрибасини ўрганиб чиқиш ва таққослаш шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Россия Федерациясининг муҳофаа вазирлиги ва ички ишлар вазирлиги қисмларида (органларида), яъни бирлашган қисмлар гуруҳларига (кучлари) таркибига кирувчи бўлинмаларида УРАЛ ва « КамАЗ »лар жуда кўп сонда пайдо бўлди ва эксплуатация қилиниб келинмоқда. Қуролли кучлар гуруҳларига улар ҳарбий қисмларга ва шу каби районлар ҳарбий комендатуралари комендантчилар роталарига қуролланишга киритилди [4].

Ушбу машиналарни ягона бир хил турдаги автомобиллар таъминланган ва ишлаб чиқилган қоидага мувофиқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

автомобиллар тўлиқ юқори ўтувчанли автомобил, двигател ва бошқа агрегатлари ҳар қандай об ҳаво шароитида ишлатиш қўлайлиги билан;

ҳайдовчи кабинасини тўлиқ жиҳозланганлиги билан;

ёнилғи баки ва трансмиссия агрегатларининг мустаҳкамланганлиги билан;

юк платформасида (кузовда) тепаси ҳар қандай об ҳаво шароитида очик ёки ёпиқ ҳолатда ишлатиш ва шахсий таркибни оддий кўтариб қўйиладиган ўриндиқлар билан жиҳозланган [5].

Қуроллар ўрнатилмаган юкли автомобиллардан фойдаланиш имкониятлари:

алоқа ва бошқарув автомобиллари;

тез ёрдам машиналари;

инкассатор машиналари;

хавфли ва қимматбаҳо юкларни ташиш учун автомобиллари;

кузатув автомобиллари;

ҳарбий юклар ва шахсий таркибни ташиш [6].

1992 йилгача ишлаб чиқарилган Урал-4320, 4320-Я, 43202 автомобиллари, 1998 йил бошидан шу кўнга қадар эришилган ютуқлари “евро-5”гача юкли автомобилларнинг таққослаганда устунлиги:

фойдаланишнинг эффектив тежамлилиги;

узоқ фойдаланиш ресурси;

узелларнинг юқори бирхиллаштирилганлиги;

умум фойдаланиладиган йўлларда, шунингдек шаҳарларда фойдаланиш имконияти;

сервиснинг оддийлиги ҳаммабоплиги.

кўп функциялилиги;

тезкор трансформациялаш имкониятининг юқорилиги;

ишлаб чиқаришда кўп сериялик имкониятининг юқорилиги [7].

УРАЛ автомобил заводи томонидан тахминан бир йил давомида 1200 данадан кўпроқ юкли автомобиллар ишлаб чиқарилади.

Буюртма берувчининг хоҳишига кўра барча турдаги автомобил техникалари ишлаб чиқарилмоқда, автомобил техникаси шассиларига ҳар хил модули ўрнатилиши мумкин.

Буларнинг ичида жанговор, транспортли модули, жанглари бошқариш модули, ҳамда моддий техник таъминоти модуллари ҳам бор.

Хулоса. Қуролли Кучларимизнинг жанговор салоҳиятини йиллар давомида сайқалланиб илғор давлатлар армиялари орасида ўзининг сезиларли ўрнини эгалламоқда. Замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар янги тараққиёт чўққиларини эгаллаган даврда, миллий армиямиз кучи ва қудратини автомобил техникаларимизни моҳирона бошқариш, олдиндан вазият шароитларга тайёргарлик кўриб, кутилаётган носозликларнинг олдини олиш билан юксалтиришга эришиш талаб этилади.

Шу мақсадда барча техник таъминот мутахассислари ва автомобил ҳайдовчилари мутахассисларидан ўз лавозими, касбидан келиб чиқиб, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоли ҳолатларнинг ечимини ҳал этишда жиддий эътиборни қаратиш лозим. Автомобилларни жанговор вазифаларни бажаришда жалб этишдан олдин, мазкур техникаларнинг имконияти даражасини ўзлаштириш, техник хизмат кўрсатиш тадбирларини сифатли бажаришни таъминлайди.

Шунингдек, барча автомобил ҳайдовчиларининг ўзининг бошқарувидаги техникаларини моҳирона бошқаришни, техник тузилиши маълумотларини ёддан билиши, айниқса техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича амалиётларига эга бўлиши талаб этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 34 йиллиги муносабати билан “Ватан ҳимоячиларига байрам табриги” // Ватанпарвар газетаси, 2026. – С. 1-2.

2. Руководство по эксплуатации УРАЛ (экологического класса от “евро-1” до “евро-7”). – СПб, 2022. – 377 с.

3. Техническое описание УРАЛ. Кириш режими: [http:// www. novate. ru](http://www.novate.ru). Мурожаат санаси – 20.02.2023.

4. Технология разработки УРАЛ. Кириш режими: <https://ru.wikipedia.org>.
Мурожаат санаси – 12.02.2023.

5. «УРАЛ» предложит грузовики класса «Евро-2» <https://www.vedomosti.ru>.
Мурожаат санаси – 28.02.2023.

6. Семейство УРАЛ 740.60 (Евро-3) Кириш режими: <https://kamaz.ru/production>.
Мурожаат санаси – 2.03.2023.

7. Двигатели УРАЛ Евро-5. Кириш режими: <https://xn--h1aehg.xn--p1ai/zapchasti>.
Мурожаат санаси – 8.03.2023.